

## Ароқхўр отадан онани ҳимоя этиш учун нима қилиш керак?

21:12 / 24.04.2016 2960

Агар доимо ичиб келувчи, яъни ароқхўр ота аёлини уриб-сўкса, бу ҳолда фарзанд ўз онасини жабр-зулмдан қутқариш учун отасига қўл кўтариши мумкинми? Бу ўринда фарзанд қандай йўл тутиши керак?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Албатта, бундай ҳолатларда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. Онанинг ҳимоясига ўтса, яхши бўлади. Лекин отасига қарши куч ишлатмасдан ва уни жуда ортиқ хафа қиладиган даражада ҳаракат қилмасдан онасини ҳимоя қилса, тўри бўлади.

Албатта, ароқ ичган одам гуноҳкор, нотўғри иш қилган одам, лекин, нима бўлса ҳам оталигини эътиборга олиш керак.

Отанинг ҳурматини қиламан деб, онасини калтак еб турганида ҳимоясиз қолдириш ҳам дуруст бўлмайди. Чунки, онанинг ҳам у фарзандда ҳақиқи бор.

Аллоҳ таоло бундай ҳолатлардан ҳаммани Ўзи асрасин, жамиятимизда бундай ҳолатлар бўлишининг олдини олишга интиладиган бандаларнинг тлбора кўпайиб боришини насиб этган бўлсин. Валлоҳу аълам.